

Шайтон инсоннинг хаёлини биладими?

20:23 / 27.04.2016 3252

САВОЛ: Шайтон инсоннинг хаёлини биладими? Бўлмаса у қандай қилиб инсоннинг хаёлини бузади?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Шайтон инсоннинг хаёлини билиши тўғрисида маълумотлар йўқ. Балки, шайтоннинг иши инсонни васвасага солиш, уни йўлдан оздириш, Аллоҳ таолонинг тоатидан, ибодатидан чиқариш, гуноҳ ишларга чорлашдир. Бунинг учун инсоннинг хаёлидаги нарсани билиши ёки ҳатти-ҳаракатларидан хулоса чиқариши шарт эмас. Балки у ўз фаолиятини, ифвосини, васвасасини барча вақтда қилишга уринади. Шунинг учун доимий равишда шайтоннинг шарридан паноҳ тилаб турмоқ мўмин-мусулмон инсон учун ниҳоятда зарурдир. Шайтон чексиз билимга эга эмас, одамларнинг хаёлидаги нарсани ҳам билиб олиши зарур нарса ҳам эмас, шунинг учун биз шайтонга нисбатан бўладиган тушунчамизда уни ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани сезадиган, бир улуғвор нарса эмас, балки ёмонликка бошловчи, васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи, гуноҳга чорловчи ниҳоятда ёмон энг ашаддий душман эканлигини тушуниб етишимиз керак. Валлоҳу аълам.